

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib. 30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БРИГИДА КРЕСТИНА СТЕПАНОВНА**

**HBV ВА HCV ИНФЕКЦИЯЛАРИДА ГЕПАТОЦЕЛЛЮЛЯР  
КАРЦИНОМАНИНГ ЭРТА ТАШХИСОТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бригида Крестина Степановна**

HBV ва HCV инфекцияларида гепатоцеллюляр карциноманинг эрта таъхисотини такомиллаштириш..... 3

**Бригида Крестина Степановна**

Усовершенствование ранней диагностики гепатоцеллюлярной карциномы при HBV и HCV инфекции..... 25

**Brigida Krestina Stepanovna**

Improvement of early diagnostics of hepatocellular carcinoma in HBV and HCV infection..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib. 30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БРИГИДА КРЕСТИНА СТЕПАНОВНА**

**HBV ВА HCV ИНФЕКЦИЯЛАРИДА ГЕПАТОЦЕЛЛЮЛЯР  
КАРЦИНОМАНИНГ ЭРТА ТАШХИСОТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2PhD/Tib1173 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хикматуллаева Азиза Сайдуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Худайкулова Гульнара Каримовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Камилов Фарход Хайдарович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Л.Н. Гуйчиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жигар саратони дунёда тарқалганлиги бўйича олтинчи ўринни эгаллайди ва саратондан ўлимнинг тўртинчи асосий сабаби ҳисобланади. Барча гепатоцеллюляр карциномаларнинг (ГЦК) 80% вирус табиатли бўлиб, 50% HBV инфекцияси ва 30% HCV инфекциясига тўғри келади. ЖССТ маълумотларига кўра, дунё миқёсида 2019 йилда «...тахминан 296 миллион одамда сурункали гепатит В инфекцияси ва тахминан 58 миллион одамда сурункали гепатит С инфекцияси бўлган. Вирусли гепатит В ва С дан ўлим ҳолатларининг кўпчилиги (1 миллион 100 минг) жигар циррози ва бирламчи жигар саратони билан боғлиқ...»<sup>1</sup>. ГЦК билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари Осиё ва Африкада энг юқоридир, гарчи Европа ва АҚШнинг турли ҳудудларида ҳам ГЦК билан касалланиш ва ўлим ҳолатлари ортиб бормокда. ГЦКнинг кеч аниқланиши, ташхис қўйиш вақтида ўсмани жарроҳлик усулида олиб ташлаш имконини бермайди ва беморга фақатгина паллиатив ёрдам кўрсатилиши мумкин. Ушбу муаммонинг долзарблиги гепатоцеллюляр карциномани эрта ташхислашни такомиллаштириш зарурати билан белгиланади.

Жаҳонда В ва С гепатит вирусларининг гепатоцеллюляр карцинома ривожланишидаги аҳамияти, уларнинг онкогенезга таъсири, ташхисот ва касалликнинг кеч босқичлари ривожланишининг олдини олишда турли онкомаркерларнинг аниқлаш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, вирусли гепатитларни олдини олиш мақсадида эмлаш тизимини такомиллаштириш, вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦКнинг клиник-лаборатор кечиши хусусиятларини, ГЦКнинг жигар циррозидан (ЖЦ) кечиш фарқларини, онкомаркерларнинг аҳамиятини баҳолаш, ГЦКни эрта ташхисот тизимини ишлаб чиқиш ва вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦКнинг иқтисодий юқини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, эрта ташхисот усуллари такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда ҳамда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши профилактика чораларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, «...вирусли гепатитлардан сўнг жигар фибрози ва гепатоцеллюляр карцинома ривожланишини эрта ташхислаш бўйича янги технологияларни татбиқ қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида юқумли касалликлар ва уларнинг асоратларини ташхислаш ва даволаш даражасини замонавий тиббий ёрдамни янги босқичга кўтариш орқали

<sup>1</sup>World Health Organization. Global progress report on HIV, viral hepatitis and sexually transmitted infections, 2021. Available at: <https://www.who.int/publications/i/item/9789240027077>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги «Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-243-сон Қарори

касалланишни камайтириш ҳамда сифатли тиббий ёрдам учун замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларининг доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гепатит В ва С вируслари ГЦКнинг асосий этиологик агентлари эканлиги маълумдир. Шу билан бирга, ГЦКнинг 50,0% га қадарини НВV ва тахминан 25,0% ни эса НСV ташкил этади. ГЦКнинг этиологик омиллари дунёнинг турли минтақаларида сезиларли даражада фарқ қилади ва ГЦК билан касалланишнинг тарқалганлиги бўйича кучли номуносибликни кўрсатади. Вирусли гепатитлар юқори тарқалган ҳудудлар ГЦК даражаси энг юқори бўлган ҳудудлар ҳисобланади (de Martel C. et al, 2020). Биопсия ва ундан сўнг морфологик таҳлил ўтказиш ГЦК ташхисоти учун олтин стандарт ҳисобланади (Lixia Guo., et al., 2018). Аммо, биопсия жуда мураккаб ташхисот усули бўлиб, жиддий асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Салбий натижа онкологик жараённи аниқ истисно қила олмайди ва шунинг учун муолажани ҳар 3-6 ойда амалга ошириш керак (Zhou J. et al, 2019).

ГЦКни эрта ташхислаш учун PIVKA II (К витамини ёки антагонист-II этишмаслиги туфайли индуцирланган оқсил) ва АФП L3 ни қўллаш истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бир қатор когорт тадқиқотлар ва яратилган моделлар хавф гуруҳидаги беморларнинг 34,0% дан кўпчилиги скрининг қилинганда ГЦКга скрининг тежамкорлигини ва ўсма жараёнларини эрта аниқлаш, даволашни яхшилаш ва омон қолиш имконини беришини кўрсатган (Mittal S. et al., 2016; Cadier B. et al., 2017; Mourad A. et al., 2017). Аслида, хавф гуруҳларининг скрининг қилиниши 20,0% дан ошмайди (Singal AG. et al., 2015). АФП 50 йилдан ортиқ онкомаркер сифатида маълум бўлишига қарамай, у ГЦК ташхисоти ва даволаш

натижаларини мониторинг қилиш учун энг кўп қўлланилади (Bai D et al., 2017). АФПнинг ташхисотдаги аҳамияти бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ва улар турли хил ёки ҳатто қарама-қарши хулосаларга эга (Lou J. et al., 2017). Тадқиқотлар PIVKA II ГЦКни аниқлаш учун аҳамиятли ташхисот ва прогностик онкомаркер бўлиши мумкинлигини кўрсатган (Inagaki Y. et al., 2017). ГЦК ташхисоти учун тавсифланган онкомаркердан фойдаланиш Шарқий Осиё, Шимолий Америка ва Хитойда кенг тарқалган (Wu J. et al., 2017). Кўпгина тадқиқотлар PIVKA II ГЦК эпидемиологик кузатуви учун қўлланишини кўрсатган ва Япония гепатология жамияти тавсияларига татбиқ этилган (Kudo M. et al., 2017). Бироқ, ГЦК ташхисоти учун PIVKA II нинг самарадорлигини янада баҳолаш учун айниқса, бошқа биомаркерлар билан биргаликда фойдаланиш бўйича кўшимча тадқиқотлар зарур. АФП L3 жигар паренхимасидаги ўсма жараёнларига хосдир. Йирик истиқболли кўп марказли тадқиқот АФП L3 нинг сезгирлиги, ГЦК касаллигининг босқичидан қатъий назар, 92,0% ни ташкил қилишини, аммо спецификлиги 37,0% дан ошмаслигини кўрсатган (Piñero F. et al., 2020).

Ўзбекистонда ГЦК ташхисоти учун PIVKA II ва АФП L3 дан фойдаланиш илгари ўрганилмаган. Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда УТТ усули ва АФП ёрдамида ГЦК скрининги бўйича алоҳида тадқиқотлар ўтказилган (Lukmonov, S. et al., 2017). Аммо, ушбу тадқиқотларда вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦКни эрта ташхислаш масалалари ўрганилмаган. Шу туфайли, HBV ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦКни эрта ташхислашни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш жуда долзарбдир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20171023175 «Ўзбекистонда сурункали вирусли гепатитларда PIVKA II усули ёрдамида гепатоцеллюляр карцинома ташхисотини ишлаб чиқиш» (2018-2019 йй.) ва ПЗ-2017090726 «Сурункали В ва Д гепатитларининг турли вариантлари натижасида жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома ривожланиш хавфини баҳолаш ҳамда уларнинг олдини олиш, башоратлаш ва даволашнинг дифференциал ёндашув усуллари ишлаб чиқиш (2018-2020 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** HBV ва HCV инфекциясида гепатоцеллюляр карциноманинг эрта ташхисотини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

HBV ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦКнинг кечиш характерини ўрганиш ва клиник-лаборатор хусусиятларини қиёсий аниқлаш;

HBV ва HCV этиологияли жигар циррози оқибатида ГЦК шаклланишининг прогностик белгиларини аниқлаш;

онкомаркерлар ролини баҳолаш ҳамда HBV ва HCV инфекцияси билан касалланган беморларда ГЦКнинг ташхисот алгоритминини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида HBV ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК нинг иқтисодий юкини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида гепатоцеллюляр карцинома билан даволанган 131 нафар бемор, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти клиникасида HBV ва HCV инфекцияси билан даволанган 456 нафар бемор ва 28 нафар соғлом кўнгиллилар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида веноз қон умумий клиник, биокимёвий ва коагулограмма таҳлиллари учун, қон зардоби онкомаркерларни аниқлаш учун ва беморларнинг УТТ ва МСКТ/МРТ текширувлар натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш учун умумий клиник, лаборатор (қон умумий таҳлили), биокимёвий (АЛТ, АСТ, биллирубин, глюкоза, креатинин, мочевина, қолдиқ азот, амилаза, гамма-глутамилтранспептидаза), молекуляр-биологик (ПЗР), серологик (ИФТ, ИХЛТ), инструментал (УТТ, МСКТ), гистологик ва статистик усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

вирус этиологияли бўлмаган гепатоцеллюляр карциномага нисбатан HBV ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган гепатоцеллюляр карциноманинг оғир кечиши исботланган;

ўсманинг метаболик фаоллиги билан боғлиқ вирус этиологияли жигар циррози оқибатида юзага келган гепатоцеллюляр карцинома шаклланишининг клиник ва лаборатор хусусиятлари аниқланган;

гепатоцеллюляр карцинома ташхисотида АФП, АФП L3, PIVKA II онкомаркерлари ва улар комбинацияларининг аҳамияти аниқланган;

«харажатларни минималлаштириш» орқали иқтисодий самарадорликни ҳисоблаган ҳолда HBV ва HCV оқибатида юзага келган гепатоцеллюляр карциномани эрта ташхислаш исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

PIVKA II АФП га нисбатан юқори сезувчанлик ва спецификликка эга эканлиги аниқланган;

юқумли касалликлар шифохоналари миқёсида ГЦКни скрининг қилиш учун АФП ва PIVKA II комбинацияларини қўллаш ГЦКни эрта босқичларда аниқлаш имконини бериши исботланган;

PIVKA II миқдори ва гепатоцеллюляр карцинома ҳажмининг ошиши ўртасида бевосита боғлиқлик асосланган;

сурункали вирусли гепатитларда ГЦК ташхисоти стандартларига 2020 йил 29 февралдаги DGU 09259 дастури ва ташхисот алгоритмини ГЦК ривожланиш хавфини аниқлаш учун татбиқ этиш, вирусли гепатитлар ва жигар циррозлари оқибатида юзага келган ГЦК юкини камайтириш имконини берган;

ушбу диссертация тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги «Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-243-сон қарорининг 8-банди «Вирусли гепатитлардан сўнг жигар фибрози ва гепатоцеллюляр карцинома ривожланишини эрта ташхислаш бўйича янги технологияларни татбиқ этиш» учун асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда услубий жиҳатдан тўғри назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлик, беморларнинг етарли сони, қўлланилган ретроспектив, проспектив, молекуляр-генетик, иқтисодий ва статистик таҳлил усуллар, олинган маълумотларга дастурий ёндашув асосида ишлов берилганлиги, шунингдек, HBV ва HCV оқибатида юзага келган гепатоцеллюляр карциноманинг эрта ташхисотини такомиллаштириш натижасида олинган маълумотларнинг маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦКнинг клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш, вирус этиологияли жигар циррозининг ГЦКга ўтишида патологик жараённинг шаклланиш механизмларини очиқ бериш, вирусли гепатитларда ГЦКни эрта ташхислаш учун онкомаркерлар қўлланилишининг прогностик аҳамияти ва қонуниятларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эрта ташхисот учун ишлаб чиқилган алгоритм ва вирусли гепатитлар оқибатида ГЦК ривожланиш хавфини аниқлаш дастурини қўллаш ўз навбатида, сурункали вирусли гепатитлар билан касалланган беморларда ГЦКни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, умр кўриш давомийлигини ошириш, даволаниш харажатларини ва ногиронликни камайтириш билан изоҳланади

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** HBV ва HCV инфекциялари оқибатида юзага келган гепатоцеллюляр карциноманинг эрта ташхисотини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали вирусли гепатитлар билан касалланган беморларда гепатоцеллюляр карциноманинг эрта ташхисоти бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали вирусли гепатитлар билан касалланган беморларда гепатоцеллюляр карциноманинг эрта ташхисот алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 сентябрдаги 08-29343-сон маълумотномаси). Натижалар HBV ва HCV инфекцияси бўлган беморлар орасида гепатоцеллюляр карциноманинг эрта ташхисотини яхшилаш имкони берган;

HBV ва HCV инфекциялари оқибатида юзага келган гепатоцеллюляр карциноманинг эрта ташхисотини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт

маркази ва Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 сентябрдаги 08-29343-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ГЦҚни эрта ва ўз вақтида аниқлашни яхшилаш имконини берган, бу беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, беморларнинг умр кўриш давомийлигини оширишга олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Диссертациянинг кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ҳамда республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «HBV ва HCV инфекцияларида гепатоцеллюляр карциномани эрта ташхислашни такомиллаштириш»** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммонинг ҳолати тўғрисида замонавий тассавурларни акс эттирувчи хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Вирусли гепатитларда ГЦҚнинг ривожланиш механизмлари, эрта аниқлашнинг клиник-ташхисий жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган ва диссертация ишида фойдаланилган онкомаркерлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

**Диссертациянинг «Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни ва тадқиқот материаллари ҳамда усулларининг тавсифи келтирилган. Фойдаланилган тадқиқот усулларининг тўғрилиги ва ҳажмининг етарлиги, тадқиқот гуруҳларини ва уларга мос бўлган қиёсий гуруҳларни шакллантириш тўғрисида маълумотлар берилган. Тадқиқотда фойдаланилган умумклиник, лаборатор, инструментал, серологик, молекуляр-биологик ва статистик усуллар баён этилган. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва

паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтида (РИЭМЮПКИАТМнинг Вирусология ИТИ) бажарилган. ГЦК ташхиси қўйилган беморларнинг қон зардоби намуналари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида (РИОваРИАТМ) йиғилган. Сурункали вирусли гепатит билан касалланган беморларнинг қон зардоби намуналари РИЭМЮПКИАТМнинг Вирусология ИТИда йиғилган. Тадқиқотга ГЦК ташхиси билан РИОваРИАТМда стационар даво олган 131 нафар беморлар жалб этилди. Беморларнинг ўртача ёши  $52,35 \pm 13,32$  йилни ташкил этди. ГЦК билан касалланган беморларни танлаб олиш мезонлари қуйидагилар ҳисобланди: 18 ёшдан юқори шахслар, ГЦК ташхисининг УТТ ва МСКТ/МРТ шунингдек, гистологик усуллар билан тасдиқланиши. Вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦК мавжуд беморлар гуруҳига ИФТ ва ПЗР натижалари мусбат бўлган шахслар жалб этилди. Тадқиқот доирасига шунингдек, РИЭМЮПКИАТМнинг Вирусология ИТИда сурункали вирусли гепатитлар ташхиси билан стационар даво олаётган 456 нафар беморлар ҳам қамраб олинди. Беморларнинг ўртача ёши  $54,78 \pm 3,97$  йилни ташкил этди. Танлаб олиш мезони бўлиб 18 ёшдан катта шахслар, ИФТ ва ПЗР усулларида тасдиқланган вирусли гепатитлар маркерларининг мавжудлиги ҳисобланди. Шунингдек, 28 нафар соғлом кўнгиллилар ҳам танлаб олиниб, уларнинг ўртача ёши  $56,0 \pm 5,5$  йилни ташкил этди. Ушбу назорат гуруҳига киритиш мезони бўлиб 18 ёшдан катта шахслар, вирусли гепатит маркерларининг мавжуд бўлмаслиги ва УТТда ўсманинг мавжуд бўлмаслиги ҳисобланди. АФП миқдорини аниқлаш учун Вектор Бест фирмасининг «АФП-ИФА-БЕСТ» (Россия) тўпламидан фойдаланилди. АФП L3 миқдорини аниқлаш учун Cloud Clone Corp фирмасининг «ELISA Kit Alpha-Fetoprotein Lens Culinaris Agglutinin (aAFPL3)» (АҚШ) тўпламидан фойдаланилди. PIVKA II миқдорини аниқлаш учун Cusabio фирмасининг «ELISA KIT Human Protein Vitamin K Absence or Antagonist-II (PIVKA II)» (ХХР) ва шунингдек, Maglumi фирмасининг «PIVKA II 100 test» (ХХР) тўпламларидан фойдаланилди. Таҳлиллар ишлаб чиқарувчи фирманинг йўриқномаси бўйича амалга оширилди. Тадқиқот натижаларини статистик таҳлил учун «Windows XP», «Excell», «Statistica», «StatTech» дастур таъминотларидан фойдаланилди. Олинган маълумотлар мутлоқ катталиклар ва фоиз кўрсаткичларни баён этиш билан тақдим этилди.

Диссертациянинг «**Вирус этиологияли гепатоцеллюляр карцинома кечишининг клиник-лаборатор хусусиятлари**» деб номлаган учинчи бобида ГЦК билан касалланган беморларининг клиник-лаборатор маълумотлари келтирилган бўлиб, улар 3 гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳни HBV инфекция оқибатида юзага келган ГЦК мавжуд беморлар, 2 гуруҳни HCV инфекция оқибатида юзага келган ГЦК мавжуд беморлар ва 3 гуруҳни вирус бўлмаган этиологияли ГЦК мавжуд беморлар ташкил этди. ГЦК аёлларга нисбатан (34,7%), эркаларда кўп (65,3%) кузатилди. Бунда HBV ва HCV инфекция оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида эркалар сони устунлик қилди, вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳида эса, аёллар устунлик

қилди ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,01$  мос равишда). HBV инфекция оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида аниқланган ҳолатларнинг ярмидан кўпи 20-54 ёш диапазонидаги беморларга тўғри келди, 55 ёшдан катта бўлган беморлар эса, 41,8% ни ташкил этди. HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК 55 ёшгача бўлган шахсларда деярли учрамади, 55-61 ёш диапазонидаги беморлар 43,3% ни ташкил этган бўлса, 61 ёшдан катталар 33,3% ни ташкил этди. Вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳида асосан 55 ёшдан катта бўлган беморлар учради (61,1%). HBV инфекция оқибатида юзага келган ГЦКнинг эркакларда устунлиги ГЦКнинг юзага келиш ҳавфи ва юқори вирус юкламасини келтириб чиқарувчи HBV транскрипцияси ва репликациясини стимулловчи андрогенлар таъсири ва эркакларнинг спиртли ичимликлар ва тамакини ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилишга мойиллиги билан боғлиқдир. Вирус бўлмаган этиологияли ГЦКга нисбатан HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦКнинг эркаклар орасида юқори даражада учраши аёлларда эркакларга нисбатан вируснинг ўз ўзидан юзага келадиган элиминация имкониятининг юқорилиги ва касаллик юқтириш ҳолатларида жигар шикастланишининг суст жадаллашиши каби омиллар билан боғлиқ. Вирус бўлмаган этиологияли ГЦК асосан 55 ёшдан катта бўлган беморларда учради ва уларнинг ярмидан кўпини аёллар ташкил этди, бу ёш катталашган сари аёлларда гепатоканцерогенезни бостириш қобилиятига эга эстрогенлар даражасининг пасайиши билан боғлиқ.

Холсизлик, кўнгил айниши, иштаҳанинг пасайиши, ўнг қовурға остида оғриқ, хароратнинг кўтарилиши, вазн йўқотиш каби шикоятлар HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларида вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳига нисбатан кўпроқ учради ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,001$  мос равишда). Терининг иктериклиги статистик таҳлил қилинганда HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК ва вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳларига нисбатан сезиларли даражада кўп учради ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,001$  мос равишда). Склеранинг иктериклиги, пальпацияда оғриқ, спленомегалия, пальпацияланувчи ҳосила HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларида вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳига нисбатан кўпроқ учради ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,001$  мос равишда). Вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦКда клиник белгиларнинг яққол ифодаланиши ўсма жараёндан ташқари HBV ва HCV инфекцияларининг таъсири билан боғлиқ бўлган жигардаги патологик жараённинг юқори даражадаги фаоллигидан гувоҳлик беради.

Таққосланаётган гуруҳларда эритроцитлар, лимфоцитлар ва тромбоцитлар микдори ўзгаришидан ташқари умумий қон таҳлил кўрсаткичларида бошқа сезиларли фарқ кузатилмади (1-жадвал).

**Текширилган гуруҳларда қон умумий таҳлил кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК (n=55)</b>	<b>HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК (n=30)</b>	<b>Вирус бўлмаган этиологияли ГЦК (n=36)</b>
Гемоглобин	120,16±14,73	119,6 ±11,21	115,65±11,31
Эритроцитлар	5,21±1,09	4,55±1,04	4,61±1,1
Ранг кўрсаткичи	0,86±0,07	0,87±0,08	0,85±0,07
Лейкоцитлар	10,82±3,97	9,41±3,95	9,02±3,17
Таёқча ядроли нейтрофиллар	5,92±2,97	7,1±2,32	6,03±3,13
Сегмент ядроли нейтрофиллар	72,15±7,14	70,1±9,85	71,91±6,15
Лимфоцитлар	19,74 ± 2,32	15,86 ± 2,44	28,6 ± 2,21*
Моноцитлар	3,18±1,23	3,86±1,67	3,26±1,24
Тромбоцитлар	196,54±26,66	185,63±17,82	272,88±23,14*
ЭЧТ	45,27±8,7	42,66±6,62	42,11±8,31

Изоҳ: \* - HBV ва HCV инфекциялари оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларига нисбатан кўрсаткичлар фарқи статистик аҳамиятли ( $p<0,05$ )

Гемограмма маълумотларининг таҳлили лимфоцитлар миқдорининг HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларида вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳига нисбатан кам бўлишини кўрсатди ( $p<0,01$  ва  $p<0,001$  мос равишда). Вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳида тромбоцитлар миқдори HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди ( $p<0,05$  ва  $p<0,01$  мос равишда). Жигар циррозида тромбоцитопения миелоцитлар супрессияси ва тромбоцитларга қарши антитаналарнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқлиги маълумдир. Вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦК мавжуд беморларда жигар циррози вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кўп учраганлигини ҳисобга олсак, тромбоцитопения жигар циррози билан боғлиқ деган хулосани чиқариш мумкин. Беморларнинг биокимёвий кўрсаткичлар маълумотлари 2-жадвалда тақдим этилган.

Биокимёвий таҳлил маълумотлари HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларида вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳига нисбатан умумий билирубин миқдори ( $p<0,05$  ва  $p<0,05$  мос равишда) асосан бевосита фракция ҳисобига сезиларли даражада юқори бўлди ( $p<0,01$  ва  $p<0,01$  мос равишда), бу вирусли гепатитлар учун хос бўлган билирубинни қамраб олиш, конъюгация, экскреция ва регургитацияларнинг бузилиши билан боғлиқдир. HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларида вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳига

нисбатан АЛТ даражаси юқори бўлди ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,01$  мос равишда), бу гепатоцитлар цитолизи билан боғлиқдир. Вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларида вирус бўлмаган этиологияли ГЦК гуруҳига нисбатан креатинин ( $p < 0,05$  ва  $p < 0,05$  мос равишда) ва мочевина ( $p < 0,01$  ва  $p < 0,01$  мос равишда) миқдорининг ошиши қайд этилди.

## 2-жадвал

### Текширилган гуруҳларда қон биокимёвий таҳлил кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи

Кўрсаткичлар	HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК (n=55)	HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК (n=30)	Вирус бўлмаган этиологияли ГЦК (n=36)
Умумий билирубин	30,64±5,2	30,37 ±3,76	18,35 ±2,8*
Бевосита билирубин	17,95±2,71	17,49 ±2,49	8,23 ±2,27*
Билвосита билирубин	14,7±3,96	13,14±2,22	10,28±2,76
АЛТ	98,01±17,17	91,42±19,62	29,17±10,44*
АСТ	116,14±28,69	89,43±22,96	65,62±18,29
де Ритис коэффиценти	1,46±0,72	1,34±0,34	1,23±0,47
Умумий оқсил	63,65±4,53	65,86±9,31	66,77±7,13
Альбумин	34,84±8,96	36,76±5,83	37,85±6,06
Глюкоза	4,32±0,87	4,24±0,99	4,89±0,89
Креатинин	76,71±13,31	71,87±12,6	37,72±10,35*
Мочевина	8,95±1,28	8,39±1,05	4,2±1,03*
Қолдиқ азот	4,92±2,29	2,92±1,45	2,26±0,89
Амилаза	97,71±63,33	119,23±59,78	88,81±54,92
ГГТП	126,8±65,31	122,33±72,4	135,44±94,07

Изоҳ: \* - HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК ва HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларига нисбатан кўрсаткичлар фарқи статистик аҳамиятли ( $p < 0,05$ )

Жигар саратонини Барселона тизимида биноан босқичларига ажратиш бўйича босқичлар таққосланганда HBV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида С босқичи ишончли равишда кўп учради ( $p < 0,01$ ), HCV инфекцияси оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида эса, В босқич кўп учради ( $p < 0,01$ ), бу ГЦКнинг кеч ташхисланишидан далолат беради.

Шундай қилиб, HBV ва HCV инфекциялари оқибатида юзага келган ГЦКни клиник ташхислашнинг қийинлиги ГЦКнинг кеч босқичлари ривожланишига қадар унинг клиник белгиларининг суст ифодаланганлиги ва вирусли гепатитларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ бўлган белгиларнинг аниқланмаслиги билан боғлиқ. Клиник-лаборатор таҳлиллар натижаси вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳларида жигар функциясининг яққол ифодаланган декомпенсациясини, ГЦКнинг кеч ташхисотини ва сурункали вирусли гепатитлар билан касалланган беморлар орасида эрта скрининг ўтказиш заруриятини кўрсатди.

Диссертациянинг «**HBV ва HCV этиологияли жигар циррози ва гепатоцеллюляр карциноманинг қиёсий клиник-лаборатор тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида HBV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК мавжуд беморларни HBV этиологияли ЖЦ мавжуд беморлар билан шунингдек, HCV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК мавжуд беморларни HCV этиологияли ЖЦ мавжуд беморлар билан қиёсий таҳлил натижалари баён этилган.

HBV этиологилари ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК асосий гуруҳида иштаҳанинг пасайиши ( $p < 0,001$ ), кўнгил айниши ( $p < 0,001$ ), қовурға остида оғриқ ( $p < 0,001$ ), озиш ( $p < 0,001$ ) ва тана ҳароратининг кўтарилиши ( $p < 0,001$ ) каби шикоятлар таққосланган гуруҳга нисбатан кўпроқ учради. Бирламчи кўрикда склеранинг иктериклиги ( $p < 0,001$ ) ва асцит ( $p < 0,001$ ) таққосланган гуруҳда асосий гуруҳга нисбатан кўпроқ аниқланди. Аммо, HBV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида HBV этиологияли ЖЦ гуруҳига нисбатан жигарнинг катталари ( $p < 0,001$ ), пальпацияда жигарда оғриқ ( $p < 0,001$ ) ва пальпацияланадиган ҳосила ( $p < 0,05$ ) кўпроқ аниқланди.

HCV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида ўн қовурға остида оғриқ хисси ( $p < 0,001$ ), озиш ( $p < 0,001$ ) ва тана ҳароратининг субфебрил даражаларгача кўтарилиши ( $p < 0,001$ ) каби шикоятлар кўпроқ учради. Бирламчи кўрикда HCV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида HCV этиологияли ЖЦ гуруҳига нисбатан склеранинг иктериклиги ва асцит ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,05$  мос равишда) камроқ қайд этилди. Асосий гуруҳда таққосланган гуруҳга нисбатан пальпацияда аниқланадиган жигар катталари ( $p < 0,001$ ), пальпацияда жигарда оғриқ ( $p < 0,001$ ) ва пальпацияланадиган ҳосила ( $p < 0,001$ ) кўпроқ аниқланди.

Вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦК мавжуд беморларда таққосланган гуруҳлардаги беморларга нисбатан пальпацияда оғриқ, шунингдек, ўсма хажми билан боғлиқ бўлган жигарнинг катталари сезиларли даражада кўп кузатилди.

Текширилган гуруҳлардаги гемограмма маълумотлари барча кўрсаткичлар бўйича аҳамиятли фарқларни кўрсатди. HBV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида таққосланган гуруҳга нисбатан гемоглобин ва эритроцитлар миқдорининг ортishi кузатилди ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,001$  мос равишда). Асосий гуруҳда таққосланган гуруҳга нисбатан лейкоцитлар ( $p < 0,001$ ), таёкча ядроли ва сегмент ядроли нейтрофилларнинг миқдори юқори бўлиши қайд этилди ( $p < 0,001$  ва  $p < 0,001$  мос равишда). Таққосланган гуруҳларда лимфоцитлар миқдори меъёрида бўлишига қарамай, асосий гуруҳда уларнинг камайиш тенденцияси қайд этилди ( $p < 0,001$ ). Тромбоцитлар миқдори HBV этиологияли ЖЦ гуруҳида кам бўлди ( $p < 0,001$ ). HBV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида таққосланган гуруҳга нисбатан ЭЧТнинг сезиларли даражада юқори бўлди ( $p < 0,001$ ) (3-жадвал).

## 3-жадвал

## Текширилган гуруҳларда қон умумий таҳлил кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи

Кўрсаткичлар	HBV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК (n=46)	HBV этиологияли ЖЦ (n=50)	p
Гемоглобин	123,45±7,27*	92,06±6,41	p<0,01
Эритроцитлар	5,58±0,8*	3,29±0,47	p<0,01
Ранг кўрсаткичи	0,91±0,08	0,88±0,05	p>0,05
Лейкоцитлар	11,37±3,11*	3,57±0,96	p<0,05
Таёқча ядроли нейтрофиллар	6,08±1,6*	1,44±0,54	p<0,01
Сегмент ядроли нейтрофиллар	73,6±6,71*	55,32±5,46	p<0,05
Лимфоцитлар	21,58±2,76*	33,36±3,8	p<0,05
Моноцитлар	3,18±1,23	3,88±0,47	p>0,05
Тромбоцитлар	213,28±11,3*	150,37±16,46	p<0,05
ЭЧТ	44,73±6,38*	19,32±3,24	p<0,001

Изоҳ: \*- фарқлар статистик аҳамиятли (p<0,05)

НСV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳида НCV этиологияли ЖЦ гуруҳига нисбатан гемоглобин ва эритроцитларнинг ўртача кўрсаткичи ишончли юқори бўлди (p<0,05 ва p<0,05 мос равишда). ГЦК мавжуд беморлар асосий гуруҳида лейкоцитлар (p<0,05), таёқчасимон ва сегментядроли нейтрофилларнинг (p<0,05 ва p<0,05 мос равишда) ўртача кўрсаткичи юқори бўлиши қайд этилди. Асосий гуруҳда НCV этиологияли ЖЦ гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан лимфоцитлар миқдори кам бўлди (p<0,001). Таққосланган гуруҳда тромбоцитлар миқдори ишончли кам бўлди (p<0,05). Шунингдек, ГЦК гуруҳида ЭЧТнинг сезиларли даражада юқори бўлиши қайд этилди (p<0,01) (4-жадвал).

## 4-жадвал

## Текширилган гуруҳларда қон умумий таҳлил кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи

Кўрсаткичлар	НСV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК (n=28)	НСV этиологияли ЖЦ (n=30)	p
Гемоглобин	120,15±7,3*	96,4±5,18	p<0,05
Эритроцитлар	5,75±0,72*	3,38±0,60	p<0,05
Ранг кўрсаткичи	0,93±0,12	0,89±0,01	p>0,05
Лейкоцитлар	11,01±1,78*	4,68±1,88	p<0,05
Таёқча ядроли нейтрофиллар	7,03±2,1*	1,53±0,57	p<0,05
Сегмент ядроли нейтрофиллар	73,15±7,87*	63,0±5,96	p>0,05
Лимфоцитлар	15,26±2,71*	31,46±3,0	p<0,001
Моноцитлар	3,86±1,67	3,96±0,41	p>0,05
Тромбоцитлар	192,15±18,45*	131,13±17,35	p<0,05
ЭЧТ	42,24±6,67*	18,16±3,24	p<0,01

Изоҳ: \*- фарқлар статистик аҳамиятли (p<0,05)

ГЦК гуруҳида гемоглобин ва эритроцитларнинг юқори даражаси ўсма хужайралари ГЦКнинг энг кўп учрайдиган паранеопластик синдроми бўлган эритроцитозга яъни эритропоэтиннинг ишлаб чиқишига жавоб бериши билан боғлиқ. ГЦК гуруҳида лейкоцитлар ва биринчи навбатда нейтрофилларнинг ортиши уларнинг иммун хужайралар ичида биринчилардан бўлиб ўсма атрофини эгаллаши ва саратон хужайралари билан ўзаро бирлашиши билан боғлиқдир ва бу эса, ГЦКнинг жадаллашишида муҳим рол ўйнайди. ГЦК да нейтрофиллар ўсманинг яқин атрофида ва периферик қон таркибида ортади. Лимфоцитларнинг камайишига мойиллик ГЦКнинг кеч босқичлари учун хосдир. Маълумки, ГЦК хужайралари кўп миқдорда тромбопоэтинни ишлаб чиқариши мумкин, у тромбоцитозга олиб келади. ГЦК гуруҳларида тромбоцитларнинг сезиларли даражада юқори миқдори тромбоцитлар ГЦК ўсишининг бир нечта омилларининг манбаси бўлиб ҳисобланади ва ўсма ангиогенезида ҳамда саратон хужайраларини иммун жавобдан ҳимоя қилишда иштирок этади.

Биокимёвий таҳлил кўрсаткичлари ўрганилганда қатор фарқлар аниқланди. HBV этиологияли ЖЦ гуруҳида ГЦК гуруҳига нисбатан умумий ( $p<0,05$ ), бевосита ( $p<0,05$ ) ва билвосита ( $p<0,001$ ) билирубин миқдори юқори бўлди. Бунда асосий гуруҳда АЛТ миқдори ишончли юқори бўлди ( $p<0,01$ ). Таққосланган гуруҳларда глюкоза миқдори физиологик меъёр даражасида бўлди, бироқ қиёсий гуруҳга нисбатан асосий гуруҳда унинг миқдорининг камайиш тенденцияси қайд этилди ( $p<0,05$ ) (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Текширилган гуруҳларда қон биокимёвий таҳлил кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи

Кўрсаткичлар	HBV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК (n=46)	HBV этиологияли ЖЦ (n=50)	p
Умумий билирубин	32,02±5,4*	51,76±5,84	p<0,05
Бевосита билирубин	17,26±4,0*	35,21±5,14	p<0,05
Билвосита билирубин	14,7±4,7*	39,87±5,45	p<0,001
АЛТ	95,13±17,4*	35,69±7,13	p<0,01
Умумий оқсил	64,05±4,3	69,25±3,56	p>0,05
Альбумин	35±9,51	29,85±3,42	p>0,05
Глюкоза	4,06±0,52*	6,74±0,51	p<0,05

Изоҳ: \*- фарқлар статистик аҳамиятли ( $p<0,05$ )

Умумий, бевосита ва билвосита билирубин миқдори HCV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК гуруҳига нисбатан HCV этиологияли ЖЦ гуруҳида юқори бўлди ( $p<0,05$ ,  $p<0,001$  ва  $p<0,001$  мос равишда). Бунда АЛТ миқдори асосий гуруҳда статистик юқори бўлди ( $p<0,001$ ). Таққосланган гуруҳларда глюкоза миқдори физиологик меъёр чегарасида бўлди, аммо, ГЦК гуруҳида HCV этиологияли ЖЦ гуруҳига нисбатан ушбу кўрсаткичнинг ишончли камайиши қайд этилди ( $p<0,05$ ) (6-жадвал).

**Текширилган гуруҳларда қон биокимёвий таҳлил кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи**

Кўрсаткичлар	НСV этиологияли ЖЦ оқибатида юзага келган ГЦК (n=28)	НСV этиологияли ЖЦ (n=30)	p
Умумий билирубин	26,84±3,63*	41,77±4,96	p<0,05
Бевосита билирубин	11,89±2,43*	24,65±2,34	p<0,001
Билвосита билирубин	15,26±2,3*	29,5±3,16	p<0,001
АЛТ	91,61±17,11*	37,32±9,81	p<0,001
Умумий оксил	65,29±4,64	58,85±7,13	p>0,05
Альбумин	36,32±6,63	29,11±2,0	p>0,05
Глюкоза	4,02±0,83*	6,88±0,78	p<0,05

Изоҳ: \*- фарқлар статистик аҳамиятли (p<0,05)

Вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ЖЦ гуруҳларида ГЦК гуруҳларига нисбатан умумий, бевосита ва билвосита билирубиннинг ортиши беморларнинг Вирусология ИТИга ЖЦ зўрайиш даврида, жумладан, гипербилирубинемия билан намоён бўлувчи ҳолатларда мурожаат қилиши билан боғлиқ. Глюкоза миқдори ГЦК гуруҳларида вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ЖЦ гуруҳларига нисбатан ишончли паст бўлди, бу ўсманинг глюкозага нисбатан юқори метаболик эҳтиёжи билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, ГЦК учун хос бўлган шикоятлар ва белгилар шунингдек, қон умумий таҳлили ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгариши вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ЖЦ мавжуд беморларни диспансеризациядан ўтказишда эътиборни кучайтириш лозимлигини талаб этади.

Диссертациянинг «**Сурункали вирусли гепатитлар билан касалланган беморларда гепатоцеллюляр карциномани ташхислашда онкомаркерларнинг ўрни**» деб номланган бешинчи бобида сурункали вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦК онкомаркерлари сифатида Ўзбекистонда илгари қўлланилмаган PIVKA II ва АФП L3 ҳамда АПФни қўллаш имконияти баён этилган. Қўйилган вазифани амалга ошириш учун 88 нафар шахсларда текшириш ўтказилди, улардан: 30 нафарини вирусли гепатитлар оқибатида юзага келган ГЦК билан касалланган беморлар, 30 нафарини ГЦКсиз HBV, HBV+HDV ва НСV этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар ҳамда 28 нафарини соғлом қўнгиллилар ташкил этди. ГЦК гуруҳида АФП миқдори 303,9±120,5 нг/мл ни ташкил этди ва ЖЦ гуруҳига нисбатан юқори бўлди. ЖЦ гуруҳида АФПнинг ўртача кўрсаткичи 19,94±13,4 нг/мл (p<0,05), соғлом қўнгиллилар гуруҳида эса, АФП 2,58±1,5 нг/мл ни (p<0,05) ташкил этди. Шуни таъкидлаш лозимки, 9 (30%) нафар ГЦК билан касалланган беморларда АФП миқдори меъёрида бўлди. 11 (36,6%) нафар ЖЦ билан касалланган беморларда ва 1 (3,57%) нафар соғлом қўнгиллида АФП миқдори меъёрнинг юқори чегарасидан баланд бўлди. АФП L3 умумий АФП дан аниқланади ва унинг миқдори 30 нг/мл дан юқори

